

Афв эълон қилинди



21:26 / 31.01.2022 2007

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **“Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”**ги Фармонни [имзолади](#).

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган, жазо муддатини ўтаётган **63 нафар фуқаро** афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **44 нафари** жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади. Шунингдек, **19 нафар шахсга** тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **2 нафарини 60 ёшдан** ошган шахслар ташкил этади. Фармоннинг тўлиқ матни www.uza.uz сайтида эълон қилинади.